



№ 064/а

«10» апрел 2019 й.

ИЖОБИЙ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Бажарувчи, Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi «AFROSIYOB AUDIT STANDART» auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2014-йил 10 сентябр кунда берилган № 00726-сонли аудиторлик фаолиятини амалга ошириш тўғрисидаги лицензияга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг 2008 йил 24 март кундаги № 376-тартиб рақамли гувоҳномасига эга бўлиб, Самарқанд шаҳри Спитамен шох кўчаси 157 уйда жойлашган.

Банк ҳисоб рақами: 20208000004691763001, АТ «Турон» банкининг Самарқанд филиали, МФО 00282, СТИР 206955352.

Аудиторлик текшируви Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi «AFROSIYOB AUDIT STANDART» auditorlik tashkilotining аудитори Очилов Ўлмас томонидан амалга оширилди.

Малака сертификати № 05086, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2013-йил 23 февралда берилган ҳамда 2018 йил 23 февралда 5 (беш) йил мuddатга узайтирилган.

Буюртмачи, Самарқанд вилояти «AGROKIMYONIMOYA» худудий акциядорлик жамияти, Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳри Спитамен шох кўчаси 153-уй.

Банк ҳисоб рақами 2021 0000 100 436 105 001, АТ «Агро» банкининг Самарқанд филиали, МФО- 00279, СТИР 201 008 307.

Аудиторлик текшируви Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi «AFROSIYOB AUDIT STANDART» auditorlik tashkiloti билан Самарқанд вилояти «AGROKIMYONIMOYA» худудий акциядорлик жамияти ўртасидаги 2019-йил 22 феврал кунда тузилган № 089-нчи сонли шартномага асосан буюртмачи ташкилотнинг 2018 йил 1 январ кунидан 2019 йил 1 январ кунига қадар бўлган давр учун молиявий фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Аудиторлик текширувидан ўтказилган молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги учун Самарқанд вилояти «AGROKIMYONIMOYA» худудий акциядорлик жамияти ҳамда мазкур молиявий ҳисобот бўйича аудиторлик хулосасига Самарқанд шаҳар MCHJ shaklidagi «AFROSIYOB AUDIT STANDART» auditorlik tashkiloti жавобгар ҳисобланади.

Мен, аудиторлик текширувини 70-сонли «Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти» (АФМС)га мувофиқ ўтказдим.

Ушбу андозалар биз фойдаланувчиларни молиявий ҳисобот жиддий бузилишларга эга эмаслигига етарлича ишонч билан таъминлашимиз кераклигини тақозо этади.

Аудиторлик текшируви ҳаққонийликни ва молиявий ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ахборотнинг қонун ҳужжатларига, шунингдек молиявий-ҳужжатлик фаолиятининг ҳақиқий ҳолатига мувофиқлигини баҳолашга асосланади.

Мен томонимдан ўтказилган аудиторлик текшируви фикрни ифодалаш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблайман.

Менинг фикримча, Самарқанд вилояти “AGROKIMYOHI MOYA” ҳудудий акциядорлик жамиятининг 2018 йил 1 январь кунидан 2019 йил 1 январь кунигача бўлган даврдаги ҳисоботида унинг молиявий аҳолини ҳаққоний ақс эттиради ва мазкур ҳужжатлик юритувчи субъект амалга оширган молиявий ва ҳужжатлик операциялари Ўзбекистон, Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади ҳамда жамият фаолиятига ижобий аудиторлик ҳулосаси беришлик мумкин бўлади.

«Хулоса бердик»

МChJ «Afrosiyob audit standart»
auditorlik tashkiloti директори
ва аудитори:



Ў.Очилов